



## ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМНИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

*Ражабова Л.Р.*

*Қарши давлат университети,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** дифференциал, дифференциал таълим, дифференциал ёндашув, ижтимоий педагогик фаолият, ижтимоий педагогик таълим, контентли, маҳсулдор, жараёнли, ўқув муҳити, ижтимоий масъулият, рефлексив, касбий мослашувчанлик.

**Ключевые слова:** дифференцированное, дифференцированное, образование, дифференцированный подход, социально-педагогическая деятельность, социально-педагогическое образование, содержание, продуктивное. Процесс, среда обучения, социальная ответственность. Рефлексивная, профессиональная гибкость.

**Key words:** differential, differential education, differential approach, social pedagogical activity, social pedagogical education, content, productive, process, learning environment, social responsibility, reflexive, professional flexibility.

Мамлакатимизнинг жаҳон таълим маконига интеграциялашуви билан боғлиқ ғояларнинг ривожланиши контекстида таълим жараёнини замонавий позициялардан фарқлаш бўйича мавжуд тажрибага баҳо бериш, уни маҳаллий таълимда намоён бўлаётган тенденциялар билан боғлаш зарурати юзага келади. Миллий назария ва таълимни дифференциаллаштириш амалиётига мос келадиган илғор, инновацион ғояларни амалга ошириш йўллари топиш, бизнинг фикримизча, таълим жараёнини инсонпарварлашувига олиб келади. Чунки, инсоният жамияти тараққиёти тарихида таълим-тарбиянинг дифференциаллашуви шахс имкониятларини рўёбга чиқаришга имкон берганлиги билан аҳамият касб этади.

Шу боис тадқиқотимизда инсонпарварлик парадигмасига амал қилмас, бунда таълимни табақалаштириш талабаларни танлаш учун эмас, балки уларнинг ўз ҳаётидаги маъносини, унинг траекториясини, қобилиятларига кўра изланиши учун мақбул шароитларни яратишдан иборатлигига асосланамиз. Бу борада:



1. Талабаларнинг ижтимоий-маданий фарқлари: кадриятлар, динлар, турли оилавий муносабатлар, тиллар, моддий кадриятлар ва маданий хусусиятлар;

2. Талабаларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг мотивацияси, истаги, эътибори, ижодкорлигини очиб бериш;

3. Билимларнинг керакли ҳажмини ўзлаштиришда, ақлий ривожланишда, ўрганиш стратегияларида когнитив қобилиятларидаги фарқларни ажрата олишга аҳамият қаратиш муҳим.

Талабаларни дифференциал таълим асосида ижтимоий педагогик фаолиятга тайёрлашда асосий эътибор дифференциация педагогларнинг аудиториядаги талабалар ўртасидаги тафовутга жавоб бериш ҳаракатларидан иборат. Қачонки, ўқитувчи энг яхши таълим тажрибасини таклиф этган ҳолда таълим бериш услубларини ўзгартирсагина, таълимни дифференцияллаш имконига эга бўлади.

Дифференциал ёндашув асосида талабаларни ижтимоий педагогик фаолиятга тайёрлашда педагоглар талабаларнинг тайёргарлиги, қизиқишлари ёки ўрганиш профилига қараб камида тўрт гуруҳини фарқлаши мумкин:

Контентли - талаба нимани ўрганиши кераклиги ёки талаба маълумотни қандай олиши мумкинлиги;

Жараёнли – ўрганиладиган мавзу мазмунини англаш ёки ўзлаштириш учун талаба шуғулланадиган фаолият;

Маҳсулдор - талабадан бир бўлимда ўрганган материалларни машқ қилиш, қўллаш ва ривожлантириш билан боғлиқ якуний лойиҳалар;

Ўқув муҳити - талабаларнинг фаоллиги ва ҳис қилиш усулларини танлаш.

Дифференциал ёндашув асосида талабаларни ижтимоий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг контентли даражасидаги таркибни фарқлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- турли ўқув даражасидаги ўқув материалларидан фойдаланиш;
- матнли материалларни тақдимотга жойлаштириш;
- талабаларнинг тайёргарлик даражасига кўра турли топшириқлардан фойдаланиш;
- мавзунини эшитиш ва визуал воситалар орқали тақдим этишга эришиш;

Бу жараёнда қийин ўзлаштирувчи талабаларга ғоя ёки кўникмани қайта ўргатиш ёки фаол талабаларнинг фикрлаш кўникмаларини кенгайти-



риш учун кичик гуруҳлар билан ишлаш тизимини йўлга қўйишга эришиш мақсадга мувофиқ.

Талабаларни ижтимоий педагогик фаолиятга дифференциал ёндашув асосида тайёрлашда ижтимоий соҳадаги ўз билимларини тезда янгилаш, ўзгарувчан ахборот муҳитида мослашувчан ҳаракат қилиш қобилияти талаб қилинади. Фан, техника ва ижтимоий соҳада эришилган ютуқлар, шунингдек, ишлаб чиқаришни технологиялаштириш ва ахборотлаштиришнинг кенг қўламли жараёнларини тобора кенгайтириш, янги соҳаларнинг пайдо бўлиши мутахассисларнинг касбий малакасига юқори талаблар қўймоқда.

Шу сабабли талабаларни ижтимоий педагогик фаолиятга дифференциал ёндашув асосида тайёрлашда уларнинг ижтимоий масъулиятли, рефлексив, мослашувчан, ҳаракатчан, тез қарор қабул қилиш қобилияти каби шахсий фазилатларни шакллантириб боришини назарда тутали. Бунда педагогик фаолиятга тайёргарлик натижаси сифати ҳозирги кунда узлуксиз таълим тизимида педагог мутахассислар тайёрлаш сифати билан боғлиқдир. Мазкур сифатларнинг мазмуни қуйидагича ифодаланади. Бу сифатлар бир-бири билан бевосита боғлиқ ва уйғундир.

Ижтимоий масъулият деганда биз ижтимоий манфаатларни рўёбга чиқаришда бошқарув субъектлари ўртасидаги объектив боғлиқлик шаклини, шунингдек, субъектнинг ўз фаолияти натижалари учун ижтимоий борлиқ олдида жавоб бериш қобилияти.

Рефлексив - акс эттириш ҳодисаси бўлиб, субъектнинг ўз онги мазмуни ва функцияларига эътиборини қаратиш мутахассиснинг назарий фаолияти шаклини тавсифловчи, унинг ўз ҳаракатларини ва бутун маданиятни тушунишга қаратилган фаолият.

Касбий мослашувчанлик (дидактик нуқтаи назардан) - касбий фаолиятнинг компетентлик, меъёр ва функцияларига эга бўлиш, (психологик) - танланган касбга субъектив қаноатланиш ҳиссида пайдо бўладиган турғун ижобий муносабатнинг ривожланиши (ижтимоий)- бўлажак педагогнинг янги ижтимоий муҳитга, айнан маълум жамоанинг шахслар аро муносабатлар тизимида кириш қобилияти.

Тез қарор қабул қилиш - маълум ҳолларда маълум ҳаракат усулларини танлаш ва баҳолашдир; ўта оғир шароитларда ишлаш билан боғлиқ, қутилмаган вазият, зарур тезлик ва аниқлик стереотиплардан фойдаланишга тўсқинлик қилади. Қутилмаган ҳолатларда қабул қилинган қарорларнинг етарлилиги даражаси ва ҳаракатларнинг ишончлилиги билан боғлиқ шахс ҳаракати.



Дифференциал ёндашув натижасида талаба ижтимоий фаолият соҳасидаги куйидаги кўникмага эга бўлиши кўзда тутилади:

1) касбий компетентлик (билим, кўникма, малакалар) касбий ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун етарли даражада (таълим даражаси, иш тажрибасига эга, касбий билим даражаси, иш соҳасидаги таълим, тегишли мутахассисликлар бўйича билим олган) тайёрланганлик;

2) махсус шахсий фазилатлар мажмуи. Булар: фаоллик, самарадорлик, меҳнатсеварлик, мақсадга мувофиқлик, дилкашлик, қатъиятлилиқ, мажбурият, интизом, алоқа, ташаббускорлик, ишонч, ҳаракатчанлик, етакчилиқ, диққатлилиқ, мустақиллик.

Ижтимоий масъулият, ахборот, рефлексивлик умумий касбий сифатлар гуруҳидир; ижтимоий фаоллик, эмпатия ва толерантлик ижтимоий мутахассис фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Ижтимоий фаолият кўп қиррали ва кўп қийматли ҳодиса бўлиб, дифференциаллаш хусусиятларига эга. Бундан ташқари, уни ташкил этувчи сифатлар (ижтимоий масъулият, ижтимоий фаоллик, дилкашлик, толерантлик, эмпатия, рефлексивлик) ҳам дифференциал хусусиятларнинг ташувчиларидир. Шунинг учун таълимнинг барча замонавий технологиялари ичида дифференциал ўқитиш технологияси энг самарали бўлиши аён бўлади.

Ўқув жараёнини дифференциаллаштириш учун куйидагилар зарур:

Гуруҳларни шакллантириш. Гуруҳларга бўлиниш ҳар бир талабанин индивидуал тайёргарлиги асосида амалга оширилади. Одатда учта талабалар гуруҳи мавжуд:

Биринчи гуруҳга - асосан тез-тез дарс қолдирганлиги сабабли билимида бўшлиққа эга бўлган талабалар киради. Кўпинча бундай талаба энг оддий топшириқларни мустақил равишда бажаришлари мумкин ва машқни бажариш усулини мақсадли қидиришни билишмайди.

Иккинчи гуруҳ - талабалар стандарт масалаларни ечишда қўллашлари мумкин бўлган етарли билимга эга. Бироқ, улар янги турдаги муаммоларни ҳал қилишда қийинчиликларга дуч келишда ёки мураккаброк муаммоларни мустақил равишда ҳал қила олмайдилар.

Учинчи гуруҳни - мураккаб топшириқни оддий қадамлар кетма-кетлигига қисқартириш билан бирга анча мураккаб масалаларни мустақил ҳал қила оладиган, қўшимча равишда улар янги материални мустақил равишда эркин ўзлаштира оладиган ва мураккаблиги ошган вазифаларни ҳал қилишнинг бир қанча усуллари топадиган талабалардан иборат.

Гуруҳларга бўлиниш ўқитувчига дарсга тайёргарлик кўришда ёрдам беради, чунки ўқитувчи ўз дарсининг боришини олдиндан режа-



лаштира олади, ҳар бир гуруҳ талабалари учун мос вазифаларни танлайди, уларнинг тайёргарлик даражаси ва билимларига эътибор беради.

Бу борада бир қатор шартларни бажариш муҳимлик касб этади.

1. Танланган мезон бўйича талабаларни дифференциаллаш имкони берадиган тайёр топшириқлар, тестлардан фойдаланиш.

2. Агар алоҳида талабалар бир қатор дифференциал вазифаларни бажара олмасалар ёки аксинча, бу вазифалар улар учун жуда оддий бўлса, унда талабани унинг билим, кўникма ва қобилиятларига мос келадиган гуруҳга ўтказиш керак. Агар талаба паст мураккабликдаги бир қатор вазифаларни муваффақиятли бажарса, унинг муваффақиятлари ва ютуқларини таъкидлаб, уни кучлироқ гуруҳга ўтказиш.

3. Талабаларга дифференциал ёндашув дарснинг барча босқичларида амалга оширилиши мумкин:

Биринчи босқичда талабалар билан суҳбат ўтказилади:

Ёзма сўров - турли даражадаги қийинчиликдаги карталардан, шунингдек, учта даражадаги тестлардан фойдаланиш мумкин (ҳар бир гуруҳ учун ўз даражаси). Шунингдек, сиз сўровнинг ноанъанавий шаклларида, масалан, кроссвордлар, ребуслар ва бошқалардан фойдаланишингиз мумкин.

Оғзаки сўров - аксарият ҳолларда биринчи ва иккинчи гуруҳ талабалари билан суҳбат ўтказилади ва кучлироқ, учинчи гуруҳ вакиллари жавобларни тўғрилайди ёки тўлдиради.

Янги материални тушунтириш - муаммоли саволлар қўйилади, уларга кўпинча кучли талабалар жавоб берадилар, кучсиз талабалар эса ўрганилган материал бўйича саволларга жавоб беришлари ёки мустақил равишда янги материалнинг баъзи саволларини тайёрлашлари мумкин.

Янги материални мустақамлаш - бу босқичда биринчи гуруҳ талабалари дарҳол амалий топшириқни бажаришга киришишлари мумкин, иккинчи гуруҳ талабалари дарслик билан ишлашни бошлайдилар, кучсиз талабалар билан эса асосий фикрларни такрорлаш ва уларни касбий тафаккурини ривожлантиришга йўналтириш мумкин бўлади.

Уйга вазифа - кучли талабалар қўшимча адабиётлар билан ишлашга, ижодий характердаги турли вазифаларни бажаришга, тадқиқот ўтказишга, шунингдек, тақдимотлар қилишга даъват этилади. Кучсиз ва ўрта талабалар ҳам тақдимот қилишади, лекин айти пайтда тайёргарлик учун қўшимча адабиётлардан фойдаланиш таклиф этилади.

Дифференциал ёндашув асосида талабаларни ижтимоий педагогик фаолиятга тайёрлашда дифференциал ўқитиш усулини таҳлил қилиш нати-



жасида шундай хулосага келиш мумкинки, ўқитишнинг пухта ўйланган дифференциацияси талабаларнинг тайёргарлик даражасини тенглаштириш, таълим сифатини ошириш ва шу орқали талаба шахсини ижтимоий педагогик фаолиятга қизиқишини ривожлантириш имконини беради.

#### Адабиётлар:

1. Рўзиева Д. Ижтимоий педагогика. Тошкент: Фан ва технология, 2015. 128 б.
2. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 220 б.
3. Нуруллаева Ш.У. Педагогик маҳорат ва компетентлик: мазмуни, шакллантириш методикаси ва ривожлантириш йўллари // Педагогик маҳорат. № 1. 2021. 19-22 б.
4. Жўраев А. Ижтимоий фаол ўқитувчи шахси шаклланишининг педагогик-психологик омиллари. (ўқув-услубий қўлланма). Тошкент-2011. 48 б.
5. Ражабова Л. Интегртив-дифференциал ёндашув асосида бўлажак ижтимоий соҳа мутахасисларини ўқитиш назарияси. Халқ таълими. 2021, №5, 75-81 б.

#### РЕЗЮМЕ

Дифференциал ёндашув асосида талабаларни ижтимоий педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни бу ижтимоий педагогик тамойиллар асосида талабаларни ҳам умумқасбий дифференциал ва касбий-индивидуал каби сифатларини назарда тутувчи ижтимоий таълимни назарий, амалий ва методик каби устувор йўналишларини жамият талаблари ва меъёрлар асосида ташкил этишнинг яхлит тизимидир. Дифференциал ёндашув асосида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашда олий таълимда дифференциал таълимга хос тузилмалар тақлиф этиш ва амалга оширишнинг бир қатор афзалликлар ўрганилган.

#### РЕЗЮМЕ

Процесс подготовки студентов к социально-педагогической деятельности, основанный на дифференцированном подходе, представляет собой комплексную систему организации приоритетных направлений социального образования, таких как теоретическое, практическое и методическое, основанную на социально-педагогических принципах, что предполагает такие качества студентов, как общепрофессиональный дифференциал и профессионально-индивидуальный, основанный на требованиях и нормах общества. На основе дифференцированного подхода изучен ряд преимуществ предложения и внедрения структур, характерных для дифференцированного образования в высшей школе, при подготовке студентов к педагогической деятельности.

#### SUMMARY

The process of preparing students for social pedagogical activities based on the differential approach is an integrated system of organizing the priority directions of social education, such as theoretical, practical and methodical, based on the social pedagogical principles, which implies the qualities of students, such as general professional differential and professional-individual, based of advantages of proposing and implementing structures specific to differential education in higher education in preparing students for pedagogical activities have been studied.